2011 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (11.950)

Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мексикада 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси кучли саккизликдан жой олиб, Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлади. Шу муносабат билан пойтахтимизда жаҳон чемпионати иштирокчилари — футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини шарафлаш маросими ўтказилди.

● Тошкент вилояти Маънавият ва маърифат марказида Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Бухорода «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Наманган шаҳридаги «Камолот» ёшлар боғида мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишланган «Баркамол авлод – буюк келажак» мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Конференцияда спорт ва жисмоний тарбиянинг болалар саломатлиги ва ривожланишига таъсири ҳамда бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар мониторингини йўлга қўйиш, спортчи хотин-қизларнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, узлуксиз таълим тизимида баркамол шахсни шакллантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

● Қумқўрғон туманидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактаби муҳташам янги бинога эга бўлди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами олдидан туман ёшлари учун ўзига хос совғага айланган мазкур санъат кошонаси «Агромаштаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти ишчилари томонидан 1,5 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилди.

● Қарши шаҳрида 3 қаватли замонавий «Ёшлик» меҳмонхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 300 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Мазкур кошонада ташриф буюрувчилар учун алоҳида анжуманлар зали, ресторан ва бошқа бир қатор қулайликлар яратилган.

ЖАҲОНДА

● Кеча Доғистонда террорчилик ҳаракати содир этилди. Каспийск шаҳрида полиция машинасига ҳужум уюштирилиб, портлатиб юборилиши натижасида икки нафар полиция ходими ҳалок бўлди, яқин атрофдан ўтган газ ўтказгичга зарар етказилди. Ҳозирда кенг кўламда қидирув ишлари давом этмоқда.

● Иркутск областида далаларга чигирткаларнинг «ёғилиши» натижасида ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Маълумки, куни кеча Жанубий Судан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Кейинги ҳафтадан эътиборан эса ушбу янги мамлакатда ўз миллий валютаси жорий этилади. Бироқ, валютанинг қандай номланиши ҳақида ҳозирча ҳеч нарса айтилмаяпти. Валюта Буюк Британияда босиб чиқарилмоқда.

● Жанубий Корея аҳолиси эндиликда QR кодлардан фойдаланган ҳолда бевосита метрополитен бекатининг ўзидаги виртуал дўкондан турли маҳсулотларни харид қилишлари мумкин. Ушбу янги ғоя Tesco улкан халқаро ритейлерига тегишли бўлган HomePlus тармоғида фаолият кўрсатувчи маркетологларга тегишлидир. Гап шундаки, бозор тадқиқотчиларининг фикрларига кўра, Жанубий Корея фуқаролари шунчалик кўп ишлайдиларки, уларда дўконларга кириш учун деярли вақт қолмайди. Шу сабабдан мана шундай янги виртуал усулга ўтилди.

● Греция пойтахти Афина шаҳрида махсус Олимпиаданинг Бутунжаҳон ёзги ўйинлари бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 183 мамлакатидан интеллектида нуқсонлари бор 7500 нафар спортчилар иштирок этди. Мамлакатимиз спортчилари ушбу махсус Олимпиадада 15 та олтин, 14 та кумуш ва 13 та бронза медалларини қўлга киритишди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2011 йил 15 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга доир қонунларини бажариш юзасидан ҳукумат изчил иш олиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва Концепцияда олдинга қўйилган бошқарув тизимини демократлаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, банк-молия тизимининг инвестиция жараёнларида фаол иштирокини рағбатлантириш, эркин бозор иқтисодиёти йўлидан янада илгари бориш вазифаларини ҳал этишга қаратилган бошқа қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, парламентга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларини амалга ошириш натижасида 2011 йилнинг фақатгина биринчи ярим йиллигида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси рўйхатга олинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнес корхоналарининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоизга, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди.

2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш ҳажми 38 фоизга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажми 1,5 баробарга ошди. Жорий йилнинг фақатгина иккинчи чорагида кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари ҳажми 44,6 миллиард сўмни ёки улар электрон савдолар воситасида амалга оширадиган савдо-сотиқ умумий ҳажмининг 89 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга ошкора мулоқот ва амалий фикр алмашувлар вақтида сенаторлар ва депутатлар ҳукуматнинг, давлат бошқаруви органларининг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини бажаришга қаратилган ишлари самарадорлигини янада ошириш юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар ва таклифларни баён қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни янада қисқартириш ва назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб боришнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харид тизимида иштирок этиши ва юқори ликвидли маҳсулот олишини кенгайтириш борасидаги фармон ва қарорларини сўзсиз бажариш муҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатда иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлашнинг муҳим омили сифатида аҳолининг истеъмол эҳтиёжини ошириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни аҳоли даромадларини, турмуш даражасини оширишнинг асосий манбаига айлантириш, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, жойларда социал-иқтисодий ривожланишнинг давлат дастурларини бажариш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини чуқурлаштириш борасидаги тизимли ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг прогноз параметрларини сўзсиз бажариш, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ўзлари эгалланган мутахассисликлар бўйича ишга жойлашиши масалаларини ҳал этиш борасида ҳукумат томонидан олиб борилаётган ишларни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, социал-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш борасида парламент ролини ошириш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ҳукумат ҳисоботини эшитишда тадбиркорлар, олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг иштирок этиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик, шаффофлик ва ошкоралиқни таъминлашда, қабул қилинаётган қарорлар сифати учун уларнинг масъулиятини оширишда навбатдаги муҳим қадам сифатида қайд этилди.

Ҳукумат ҳисоботининг муҳокамаси якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори қабул қилинди. Қарорда демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасидаги вазифаларни, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи белгиланди.

(ЎзА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Абитуриент – 2011»

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 4 июлда имзоланган 2011/2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги қарорига мувофиқ шу кунларда барча олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш давом этмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасидаги улкан ўзгаришлар миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарининг тобора ривожланиб бораётганидан далолатдир. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий асосда янгидан-янги кўркам уй-жойлар, бино ва иншоотлар барпо этилмоқда. Айни пайтда соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ошмоқда.

Тошкент архитектура-қурилиш институти мазкур соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим масканидир. Бу ерда бинолар ва иншоотлар қурилиши, муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш, уй-жой коммунал ва маиший сервис каби кўплаб йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Институт қабул комиссияси масъул котиби Равшан Нурумбетовнинг таъкидлашича, жорий йилда мазкур олий ўқув даргоҳининг бакалавриат йўналишига 795 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Ҳозиргача абитуриентлардан қабул қилинган аризалар сони мингдан ортди. Бу кўрсаткичнинг аввалги йилларга нисбатан анча юқорилиги архитектура ва қурилиш соҳасида олий таълим олиш истагида бўлган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётганидан дарак беради. Айниқса, йигит-қизларнинг архитектура, кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш, дизайн, менежмент сингари таълим йўналишларига қизиқиши катта.

Институт магистратурасига ажратилган 138 ўриннинг 39 таси давлат гранти ва 99 таси тўлов-шартнома асосида билим олувчи ёшлар учундир. Жорий йилдан ўқитишнинг мазкур йўналишида материалшунослик ва материаллар технологияси (қурилиш материаллари), геотехника ва ер ости гидротехника иншоотлари, қурилиш иқтисодиёти, бино ва иншоотлар кадастри каби янги мутахассисликлар ташкил этилди.

Айни кунларда институтда абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш жараёни юқори савияда олиб борилмоқда. Абитуриентлар, уларнинг ота-оналари учун ҳужжатлар топшириш бўйича кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун барча ўқув-услубий, тиббий-маиший ва маданий-маърифий шароитлар яратилмоқда.

Бугун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожи кўплаб соҳаларда ишнинг сифати ва салмоғини белгиловчи асосий мезонлардандир. Тошкент ахборот технологиялари университети бу борада юқори малакали кадрлар тайёрловчи юртимиздаги йирик олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ушбу университетда ҳам қабул жараёни тартибли, юқори ташкилий-техник савияда ўтказилмоқда.

– Жорий йилда университетнинг бакалавриат йўналишига ахборот хавфсизлиги, мобиль алоқа тизимлари, телекоммуникациялар, аудио-видео технологиялар, телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш, информатика ва ахборот технологиялари каби ўн беш йўналиш бўйича жами 1250 нафар талаба қабул қилинади, – дейди университет қабул комиссияси масъул котиби ўринбосари Ўткир Ҳамдамов. – Шу кунгача 3700 нафарга яқин ёшлардан аризалар қабул қилинди. Ёшларнинг информатика ва ахборот технологиялари, кино-телеоператорлик, мобиль алоқа тизимлари, компьютер графикаси ва дизайн сингари мутахассисликларга қизиқиши айниқса юқори.

Талаба бўлиш истагидаги ёшлар учун университетда махсус маълумотлар стенди ташкил этилган, шунингдек, tuit.uz веб-сайтида қабулга оид барча маълумот ва янгиликлар, зарур ҳужжатлар ҳақида атрофлича ахборот олиш имконияти яратилган.

Олий ўқув юртларида тегишли фанлар бўйича тест синовларига оид консультатив машғулотлар ташкил этилган. Буларнинг барчаси юртимизда ёшларнинг тўлақонли билим олиши, ўз қизиқиши ва қобилияти бўйича касб-ҳунар эгаллаши йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин намунасидир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



Фестиваллар

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида миллатимиз генофондини янада соғломлаштириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Истиқлолимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган «Аёллар спорт фестивали»да ушбу долзарб масалалар албатта ўз ифодасини топади.

Яқинда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказиладиган VI анъанавий Республика «Аёллар спорт фестивали» олдидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Д.Ҳасанова, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д.Раҳимова, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти профессори К.Шокиржонова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини тобора юксалтириш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда мазкур фестивал олдидан олиб борилаётган тайёргарликлар хусусида батафсил тўхталиб ўтишди.

Айтиш керакки, Истиқлолимиз берган юксак имкониятлар туфайли, юртимизда замон талабларига жавоб берадиган янги спорт-соғломлаштириш мажмуалари бунёд этилиб, зарур спорт анжомлари билан жиҳозланмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида қизлар спортини ривожлантириш бўйича малакали аёл спорт мураббийларини тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай эътиборнинг самараси ўлароқ мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугун уларнинг сони 900 минг нафарни ташкил этади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида мунтазам равишда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Миллий Олимпия қўмитаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида олтинчи марта ўтказилаётган «Аёллар спорт фестивали» ана шундай тадбирлардан биридир.

Жорий йилнинг 21-23 июль кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилаётган мазкур фестивалнинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган 294 нафар хотин-қизлар иштирок этади. Уларнинг аксарияти уй бекалари, нафақадаги аёллар экани юртимизда спортнинг тобора оммавийлашиб бораётганидан далолатдир.

–Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизларни спортга жалб этиш орқали биринчи навбатда уларнинг саломатлигини муҳофаза этиш ва мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг юксак самарасини бермоқда, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Дилфуза Ҳасанова. – Бу фестивални ўтказишдан мақсад ҳам, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказишга ҳисса қўшиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир. Кейинги пайтларда бадиий гимнастика, енгил атлетика, теннис, волейбол, кураш каби спорт турларига қизиқувчи хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Аёлларимиз ва қизларимизнинг ўз саломатлиги учун эътибори ва масъулияти кучайиб бораётганлиги ҳам айни муддаодир. Мазкур фестивал уларнинг ўз соғлиқларини асраб-авайлаш, қадрига етишларига яна бир бор замин яратади. Уларнинг онг ва тафаккурида аёллик нафосати, гўзаллиги ва саломатлигига бўлган юксак эътиборни янада мустаҳкамлайди. Чунки аёллар саломатлиги келажак авлод баркамоллигини, етуклигини таъминлаб берадиган асосий воситадир.

Бу йилги мусобақаларнинг дастлабки босқичларида қарийб 76 минг нафар хотин-қизлар сузиш, гимнастрада, волейбол, енгил атлетиканинг барча турлари, стол тенниси, дартс бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Термиз шаҳридаги мусобақалар, асосан «Сурхон» стадиони ҳамда Олимпия захиралари коллежининг спорт саройида бўлиб ўтади. Гўзаллик, саломатлик фестивали доирасида маданий-маърифий тадбирлар, эл севган санъаткорларнинг дилрабо куй ва қўшиқлари, адиб ва шоирлар иштирокидаги учрашувлар ва турли қизиқарли анжуманлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Рустам Мирзаев – Тошкент Давлат техника университетининг электроника ва автоматика факультети талабаси. У нанотехнологиялар йўналишида таҳсил олмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган, ҳаёт мактаби сабоқларини пухта ўзлаштирган ўғлонга тест синовларида юқори натижани қайд этишида армияда олган билимлари жуда асқотди. Бунинг натижаси ўлароқ у ҳозирда нуфузли олий ўқув юртида давлат гранти асосида ўқияпти.

ИЛМНИНГ УФҚИ КЕНГ

Армияда алоқачи вазифасида хизмат қилган азамат аскар илғорлиги, интизоми билан сафдошларига ўрнак бўлиб келди. Командирлари – катта лейтенант О. Эгамбердиев, сержант А. Комиловлар унга соҳа сирларини эгаллашига яқиндан ёрдам беришди. Ўз касбининг усталари бўлган маҳоратли ҳарбий хизматчилардан кўп нарсани ўрганди. Билимлари бойиди. Дунёқараши кенгайди. Бир сўз билан айтганда, ақлан ва жисмонан анча шаклланди. Бунинг маҳсулини дала-ўқув машғулотларида, турли кўрик-танлов ва мусобақаларда фаол иштирок этиб, юқори кўрсаткичларни қайд этганида кўриш мумкин. Зиммасидаги вазифани виждонан адо этиб, жанговар шайликни оширишга муносиб ҳисса қўшгани учун бир неча бор қисм қўмондонлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган посбон тавсияномага ҳам сазовор бўлди. Бу ҳам бўлса унинг интилувчанлигидан.

Рустамнинг нанотехнологияларга қизиқиши муддатли ҳарбий хизмат билан бевосита боғлиқ. Айтишича, зиммасидаги конституциявий бурчини адо этаётган кезлари оммавий ахборот воситалари, хусусан, «Ватанпарвар» газетаси орқали илм-фаннинг бу янгича соҳаси ҳақида маълумот ва тушунчага эга бўлган. Бу билимлар келгусида касб танлашида катта аҳамият касб этди.

– Ҳозирги пайтда нанотехнологияларга нисбатан жаҳон жамоатчилиги томонидан «янги саноат инқилоби» деган ибора қўлланмоқда, – дейди электроника ва автоматика факультети нанотехнологиялар кафедрасининг етакчи мутахассиси Хуррам Файзиев. – Чиндан ҳам у фан соҳасидаги оламшумул янгилик бўлди. Нанотехнология — бу инсон идроки билан тасаввур қилиб бўлмайдиган микротехнологиялардир. Дейлик, яқин-яқингача, модданинг энг кичик зарраси атом деб ҳисобланиб келган бўлса, тадқиқотчилар ундан бир неча минг маротаба кичикроқ бўлган нанозарраларни кашф этишди. Луғавий жиҳатдан олиб қаралганда ҳам грекча «нанос» сўзи бутуннинг биллиондан бир қисмини англатади. Бугунги кунда дунёнинг барча давлатларида, жумладан, мамлакатимизда ҳам нанотехнологияларни жиддий тадқиқ этиш, унинг ютуқларини илм-фан, саноат, ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларга фаол татбиқ қилишга катта аҳамият қаратмоқда. Табиийки, бунинг учун, аввало, малакали мутахассислар керак бўлди. Шу маънода факультетимизда янги йўналишга асос солинди. Ўтган йилдан эътиборан бу йўналишга талабаларни қабул қилишга киришдик. Ёшларда янги соҳага қизиқиш, интилиш кучли. Айни шу хусусият анчайин мураккаб ҳисобланган нанотехнологияларнинг сирли оламига йўл топиб, янги-янги тадқиқотларни амалга оширишда қўл келади.

– Факультетимизда пухта билим олишимиз, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга қодир етук мутахассис бўлиб шаклланишимиз учун барча шароитлар мавжуд, – дейди мақоламиз қаҳрамони. – Замон талаблари даражасида жиҳозланган, сўнгги русумдаги қурилмалар ва асбоб-ускуналар билан таъминланган машғулот хоналари ва ўқув лабораториялари ихтиёримизда. Тўғри молекуляр технологиялар, яъни нанотехнологиялар мамлакатимизда фаннинг ёш тармоғи ҳисобланади. Шу боис бу соҳада ҳали катта муваффақиятлар қўлга киритилмаган. Бу эса биз ёшларни янада қунт билан сабоқ олишга, чуқур илмий изланишлар олиб бориб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Ҳа, ёшликка шижоат, интилувчанлик хос. Ана шу хусусиятлар нурли истиқбол йўлидаги орзуларга куч беради. Ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини, куч-қувватини намоён этиши учун давлатимиз, жамиятимиз томонидан шароит туғдириш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг негизини ташкил этади. Қувонарлиси, яратилган имкониятлар Рустам каби илмга ташна, ўз кучига ишонган, том маънода келажагимиз эгалари деган номга лойиқ авлоднинг кашф этилишига хизмат қилаётир.

Рустамнинг ютуқлари оила аъзоларини ҳам қувонтиради, албатта. Ота-оналари уни қўллаб-қувватлашади, ҳар томонлама етук инсон бўлиб шаклланишига имкон қадар кўмаклашишади. Машаққатли илм довонларини забт этишда далда бўлишга интилишади. Оиланинг кенжаси Равшанбек ҳам акаси изидан бормоқда. Истиқлолимизга тенгдош бу йигитча кимё фани бўйича пойтахтимизда ўтказилган 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Бу муваффақият унинг олий ўқув юртига имтиёзли равишда ўқишга киришига замин яратди. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультетининг 1-курс талабаси бўлган Равшанбек акаси сингари давлат гранти асосида таҳсил олаяпти. Камолот сари интилаётган бу оила фарзандларининг келгусида янада улкан ютуқларни қўлга киритишига, юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишига ишонамиз.

Жамшид НИЁЗОВ

Мустақиллик — тақдиримда

ЯРАТИШ ВА ЯШНАТИШ ИШҚИДА

● **Ўхтам ТУРҒУНБОЕВ,**
қурувчи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:

— 30 йиллик меҳнат фаолиятимга назар ташлар эканман, айниқса Мустақиллик йилларидаги улкан бунёдкорлик ишлари мени бениҳоя руҳлантиради. Фахрли қурувчилик касбини танлаб, элда эъзоз топганимдан, шаҳару қишлоқларимиз жамолига ҳисса қўшаётганимдан, яратиш ва яшнатиш ишқи билан меҳнат қилаётган толмас қўлли бунёдкорлар сафида эканимдан мамнунман. Энг муҳими эса, мамлакатимиз ободлигию, кўрку ҳуснига ҳусн қўшиб турган биною иншоотлар қурилишида иштирок этиб, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан бахтиёрман.

Истиқлол шарофати билан Президентимиз раҳнамолигида қурилиш соҳасида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу бизга катта имкониятлар эшигини очди. Шунинг баробарида меҳнатимиз муносиб баҳосини олмоқда, қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бунёдкорлик ишларида замонавий техникалар, илғор технологиялардан самарали фойдаланаяпмиз.

Меҳнатнинг таги — роҳат, дейишади. Бунинг учун эса албатта, ҳалол ишлаш лозим. 100 нафардан зиёд шогирдларим менинг фахрим бўлса, эл-юрт ишончи, рағбату мукофотларим истиқлолимнинг менга берган неъматларидир. Мустақиллигимизнинг 10 ва 15 йиллиги муносабати билан юбилей медалларига лойиқ топилдим. Юксак мукофот — «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлганимда қалбимда фахр туйдим, Ватанимга, элимга узоқ йиллар хизмат қилишга аҳд қилдим. Менимча, ўз юртингизда эъзоз топишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Ана ўша бахт ва толени менга мустақиллик инъом этди.

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛАЙЛИК

Ватан муқаддас саждагоҳ. Ватан, Она-Ер бизсиз ҳам яшайверади. Аммо биз, шу юрт фарзандлари, Ватансиз, унинг хуш ифорли тупроғисиз, боболаримизнинг ўгитларисиз яшай олмаймиз.

Ҳар жиҳатдан тўкис ва фаровон ҳаётга интилар эканмиз, бундай ҳаётнинг имкониятлари, манбалари ҳар биримизнинг қалбимизда, руҳий дунёмизда илдиз пайдо қилишини гоҳо унутиб қўямиз. Ҳолбуки, дунёни гўзаллаштирадиган энг зўр маънавий ва маърифий куч аввало инсон қалбида, тафаккурида куртак отади. Ҳаракат эса — баракат келтиради.

Маънавият инсоннинг руҳий қанотидир. Уни ҳар бир киши ўз ички дунёсида ўстириб, парвозга қанот бағишлайди. Маънавий бойликлар қунт, меҳнат, иштиёқ кучи билан инсоннинг қалбида йиллар давомида зарралаб йиғилади. Одамда, айниқса ёшлик чоғида, маърифатга эҳтиёж қанчалик кучли бўлса, унинг қалбига шунча кўп маънавий бойликлар йўл топади. Ҳалоллик, инсоф, диёнат каби фазилатлар инсон маънавиятининг асосини ташкил қилади.

Мен, мустақиллик фарзанди, Истиқлол тенгдоши бу ҳақда бежиз сўз бошламадим. Бизнинг ватанпарвар халқимиз мустақилликка эришди. Истиқлол асрларга тенг неча-неча довонлар ошиб, ота-боболаримизнинг орзу-умидларини қалбимизга жо этди. Бу — бой тарихимиз, олтин меросимиз, ўчмас қадриятларимиздир. Биз, ёшлар, бундай маънавий бойликлардан баҳра оляпмиз, фойдаланяпмиз, демак, бизнинг бурчимиз буларнинг бари кейинги авлодга ҳам хизмат қилишига ҳисса қўшишимиздан иборат.

«Бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз», — дейди Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. Бу сўзлар замирида олам-олам маъно бор. Мустақиллигимиз шарофати билан миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз тикланди. «Ўзбек» сўзининг асл маъносини билмайдиган, танимайдиган ватандошимиз бўлмаса керак. Чунки ўзбекнинг беклигини англатадиган унинг шу номидир.

Яқинда интернет саҳифаларида юртимиздан анча узоқда, Швейцарияда яшайдиган ватандошимиз Усмон Жондоннинг Ўзбекистон дўстлик жамиятлари кенгашига йўллаган хатини ўқиб, чуқур ўйга чўмдим. «Ўзбегим тупроғи ҳеч қаерда йўқ. Чунки бу — Ватан тупроғи! — деб ёзади ватандошимиз. — Мустақилликка қадар қадрдон Ватанимиз Ўзбекистонга келиш бахтидан бебаҳра бўлиб, унинг бир кафт тупроғига зор эдик. Ким илож қилиб, Ватанга бориш бахтига эришса, биз ундан қимматбаҳо совға олиб қайтишни сўрамай, бир ҳовуч тупроқ олиб келишини илтимос қилардик. Сўнг бу тупроқни кўзларимизга суртардик, ўпардик, тўйиб-тўйиб ҳидлардик...»

Туғилиб ўсган Ватандан анча йироқда яшаётган кишининг бу сўзлари, назаримда, барчада фақат бир туйғуни уйғотади. Бой тарихимиз бебаҳо хазина экан, она тупроғимиздаги униб чиққан ҳар бир ниҳол ҳам бебаҳо меросимизни тутиб тургувчи таянчдир.

Азиз Ватанимизни асраб-авайлаш, аждодларга муносиб ворис бўлиш туйғуси юртдошларимиз қалбида янада чуқур илдиз отиб, мустаҳкам бўлиб бораверишига мен ҳам ўз ҳаётим, меҳнатим билан ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Сардорбек ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси

Сўнгги йилларда Тожикистонда тўғони дунёда энг баланд – 350 метр бўладиган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича уринишлар яна фаоллашгани кузатилмоқда. Яхши маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари бошида «табиатга ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлган» коммунистлар онгида туғилган ва КПССнинг XXIV съездида маъқулланган ушбу лойиҳа ўз умрини яшаб бўлган совет тизимига хос улкан иншоотлар қуриш васвасасининг оқибатидир.

ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мазкур лойиҳа Тожикистон аҳолиси учун ҳам, Ўзбекистон ва умуман, бутун Ўрта Осиё аҳолиси учун ҳам мислсиз хавф туғдириши мумкинлигини яхши англаган илғор тожик зиёлилари Тожикистон мустақилликка эришган илк кунларданоқ, ушбу иншоот қурилиши жадал давом этаётган ўша пайтларда қурилиш ишларини тўхтатишга ҳаракат қилгани ва бунга эришгани бежиз эмас.

Ўнлаб одамлар ҳаётига зомин бўлган Саяно-Шушенск ГЭСидаги ҳалокат ҳам ушбу лойиҳа муҳандислик нуқтаи назаридан пуч ва истиқболсиз эканини исботлади. Чунки ушбу улкан иншоот ҳам Роғун ГЭСи лойиҳаси учун асос қилиб олинган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ барпо этилган эди.

Боз устига экспертиза натижалари шуни кўрсатадики, Роғун гидроузелининг илгари барпо этилган иншоотлари қурилиши чоғида ушбу эскирган қурилиш нормалари ҳам қўпол равишда бузилган. Ўша даврда қурилган машина залининг қарама-қарши деворлари бир-бирига томон 90 сантиметрдан зиёд силжиганининг ўзиёқ бунга аниқ далил бўла олади.

Нуфузли мутахассисларнинг фикрича, қурилиш участкаси учун жой мутлақо нотўғри танланган. Негаки, ушбу майдон Рихтер шкаласи бўйича 9 ва ундан юқори балли ҳалокатли зилзилалар мунтазам содир бўлиб турадиган Илякс-Вахш ёриғи зонасида жойлашган. Ушбу ҳудудда юз берган 9 балли зилзилалар 1907 йил Қоратоғ, 1911 йил Сарез дараси, 1949 йил Хаитни ларзага келтирганини, 100 мингдан ортиқ кишининг ўлимига сабаб бўлганини тожикистонлик олимлар, ёши улуғ кишилар унутгани йўқ ҳали. Тожикистоннинг етакчи сейсмологлари ушбу зилзилалар юзага келган жараёнлар таҳлили асосида Роғун ГЭСи қуриладиган ҳудудда кейинги ўн йилликда кучли ер силкинишлари юз бериши мумкинлигини башорат қилмоқдалар.

Роғун ГЭСи ишга тушириладиган бўлса, тўғон остида қоладиган юз метр қалинликдаги туз қатлами ушбу улкан техноген ҳалокат хавфини янада кучайтиради. Ушбу туз қатламининг сув таъсирида доимий ювилиб туриши, ҳаттоки сезилар-сезилмас сейсмик силжишлар ҳам 350 метрлик уйма тўғоннинг ўпирилишига олиб келиши муқаррар. Бундай ҳолат рўй берадиган бўлса, ер сатҳидан 100 метр баланд бўлган тўлқин пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда ёпирилади. Оқибатда қуйида жойлашган Нурек ГЭСи тўғонини бутунлай ўпириб, бу тўлқин янада баландлашади ва Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭС ва гидроузелларни вайрон қилади, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ўнлаб шаҳар ва аҳоли пунктлари сув остида қолади, бутун Ўрта Осиё минтақасида мисли кўрилмаган техноген ва экологик ҳалокат юзага келади.

Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзага келтирадиган хавфларни қайд этарканмиз, унинг Тожикистон ва қўшни давлатлар экологияси, биохилма-хиллиги ҳамда миллионлаб одамлар истиқомат қилаётган жойларга етказадиган муқаррар фожиали таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лойиҳа бўйича 14 куб километр сиғимга эга Роғун ГЭСи сув омборини тўлдириш учун саккиз йил керак бўлади. Бу даврда Амударё оқими кескин ўзгариб, унинг қуйи қисмидаги ҳудудларда узоқ йиллар қурғоқчилик юзага келади.

Роғун сув омбори тўла қувват билан ишга тушгач, ГЭСнинг энергетик иш режимига ўтказилиши ёз-куз мавсумида омборда сув тўпланиши сабабли қурғоқчилик ва сув танқислигини юзага келтириши, қиш мавсумида эса электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида сув омборидан катта миқдорда сув чиқарилиши оқибатида тошқинлар бўлиши, ботқоқланиш ва сув босиши юз минглаб гектар серҳосил ерларни яроқсиз ҳолга келтириши мумкин. Бундай вазият Ўзбекистон ва Туркманистоннинг миллионлаб аҳолисини муҳим ҳаётий манбалардан маҳрум этади.

Тез-тез содир бўлиб турадиган сув тақчиллиги ва қурғоқчилик йилларида Амударё суви Оролбўйи ҳудудларига деярли етиб бормайди, бу глобал миқёсдаги ушбу экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий фалокатнинг янада ёйилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши оқибатида катта миқёсдаги қурғоқчилик, очарчилик, касалликлар тарқалиши юзага келади, Амударёнинг қуйи қисмида яшаётган миллионлаб одамлар бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан Роғун ГЭСининг қурилиши халқаро нормаларнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Негаки, барча параметрларга кўра, Амударё трансчегаравий сув оқими бўлиб, унинг сувидан фойдаланиш режимини ўзгартириш билан боғлиқ ҳар қандай қурилиш ушбу дарё ўз ҳудудидан оқиб ўтадиган қўшни давлатларнинг розилиги билангина амалга оширилиши керак. Бугун Ўзбекистон бутун минтақамиз учун фалокат билан якунланиши эҳтимоли бўлган мазкур лойиҳани амалга оширишга розилик бермаслик учун етарли даражада ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқ ва далилларга эга.

Тожикистонда ҳар йили юзага келаётган электр энергияси тақчиллиги туфайли Роғун ГЭСини қуриш зарур, деб ҳисоблайдиган лойиҳа тарафдорлари нимагадир барчага яхши маълум бўлган далиллар ҳақида чурқ этмаётир. Тожикистон мавжуд энергетика салоҳиятининг катта қисмини «ТАЛКО» алюминий компанияси фаолиятини таъминлашга, шунингдек, экспортга йўналтирмаса, мамлакатни электр энергияси билан тўла таъминлаш имконига эга бўлар эди. Сир эмаски, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 50 фоиздан ошиғи ушбу компанияга етказиб берилади, ҳатто шифохоналар, мактаблар ва болалар боғчалари электр токидан узиб қўйилган пайтларда ҳам айнан шу компания электр энергиясини узлуксиз равишда олади.

Бу «ТАЛКО» алюминий компанияси даромадининг қарийб тўртдан уч қисми Тожикистоннинг коррупцияга ботган бюрократиясининг оффшор ҳисобрақамларига йўналтирилаётгани билан изоҳланади. 2010 йилнинг кузида ўтказилган халқаро аудит натижалари шуни кўрсатдики, сўнгги йилларда завод маҳсулотини сотиш жараёнида яширин схемалар қўлланиши оқибатида давлат бюджети қарийб 1 миллиард доллар миқдоридаги даромаддан маҳрум бўлган.

Бугунги кунда Тожикистон ҳукумати гўёки мустақил халқаро экспертиза ўтказилганини пеш қилган ҳолда, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мақсадига қаратилган ўз далил-исботларини кучайтиришга уринмоқда.

Халқаро экспертиза ўтказиш – бу албатта адолатли ва тўғри қарор. Бироқ экспертиза ўтказишнинг бундай технология ва тартибларини мутлақо қабул қилиб бўлмайди. Зеро, «Кимнинг аравасига ўтирсанг, ўшанинг қўшиғини айтасан», деб бежиз айтилмаган.

Бор кучи билан Роғун ГЭСи қурилишини амалга оширишга уринган ва мустақил халқаро экспертиза ўтказилишига доимо қарши бўлиб келган Тожикистон ҳукумати тўсатдан ушбу лойиҳанинг асослилиги юзасидан экспертиза ўтказишнинг буюртмачисига айланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг учун Жаҳон банки Тожикистон ҳукуматига, яъни буюртмачига грант тариқасида 15 миллион АҚШ долларини деярли беғараз ажратди. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: бундай ҳолда қандай холис, адолатли ва мустақил экспертиза ҳақида гап бўлиши мумкин?!

Ушбу процедураларнинг барчаси буюртма асосига қурилгани аён бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, бундай экспертизалардан мазкур лойиҳани амалга ошириш хавфли эканлиги ва юзага келиши мумкин бўлган фожиали оқибатлар ҳақида ҳеч қандай принципиал хулосани кутмаса ҳам бўлади. Ўзбекистон томони, табиийки, халқаро экспертиза ўтказишга бундай ёндашув билан ҳеч қачон келиша олмайди.

Бундай ҳолатдан чиқишнинг йўли борми? Ҳа, бунинг йўли бор ва у жаҳон матбуотида кўпдан бери муҳокама қилинмоқда.

Бу ерда гап Амударёнинг юқори қисмида барча хавфларни тамомила истисно этувчи кичик гидроэлектрстанциялар мажмуасини қуриш ҳақида бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай ёндашув Тожикистонни электр энергияси билан таъминлаш муаммосини самарали ва энг муҳими, анча арзон ҳал қилиш имкониятини беради.

Кўплаб давлатлар тарихи ва тажрибаси бундай хулосанинг тўғри эканини исботлайди.

Зеро, ҳаётнинг ўзи ва ҳозирги дунё воқеликлари барчамиздан иқтисодий, биринчи навбатда, энергетика стратегиясини амалга оширишда эски ва сийқаси чиққан бир томонлама эгоцентрик ёндашувлардан воз кечишни, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича БМТнинг тегишли конвенцияларига қатъий риоя қилишни, ўз ҳудудига минтақадаги табиий-экологик, коммуникация ва инфратузилма алоқалар ягона тизимининг ажралмас бир бўғини сифатида қарашни тақозо этмоқда.

Бўстонлиқ туманининг баҳаво, хушманзара табиат қўйнида жойлашган «Фазогир Гагарин» номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Мустақиллик–менинг тақдиримда» мавзусида маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Ёз — ўтмоқда соз

МУСТАҚИЛЛИК ЁШЛАР НИГОҲИДА

Унда Эркин Маликов, Турсунбой Адашбоев, Шукур Қурбон каби шоир ва ёзувчиларнинг иштироки болажонларнинг адабиётга, санъатга бўлган қизиқишларини янада оширди.

«Биз орзу қилган замон келди. Мустақиллик фарзандларининг кўзларидаги қувончни кўриб яшаётган дориломон кунларга шукроналар айтишимиз керак, — деди жумладан Эркин Маликов. — Ёш авлод вакиллари Мустақиллик берган неъматларнинг қадрига етишлари керак. Мустақилликка осонликча эришилгани йўқ. Мустақиллик бизга ўзбек деган номни қайтарди. Буни ҳар биримиз англамоғимиз, қадрига етмоғимиз лозим...

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, мустақиллик бизга ўзлигимизни, тилимизни, эркинлигимизни, эътиқодимизни қайтариб берди. Бугун Ўзбекистон деган ном жаҳон миқёсида ўз мустаҳкам ўрнига эга бўлди.

Жойларда бу каби мавзуларда кўплаб ўтказиб келинаётган маданий-маърифий тадбирлар болаларнинг баркамол бўлиб улғайишлари йўлида муҳим омил бўлаётир. Қолаверса, уларнинг мазмунли, фойдали дам олиб, ҳар жиҳатдан соғлом бўлишлари учун замин яратмоқда.

– Бугунги тадбир менга жуда ҳам ёқди,– дейди Абдуқодир Қаҳрамонов.– Бу ерга ҳар ёзги мавсумда келаман. Тоза ҳаво ва гўзал манзара менга илҳом бағишлайди. Тадбирдан шуни англаб етдимки, шундай гўзал юртда мустақил яшашимиз учун қанчадан-қанча ота-боболаримиз курашиб ўтишган. Биз бунинг қадрига етишимиз керак. Билимимизни ошириб, Ўзбекистон келажагини яна ҳам порлоқ қилишимиз лозим. Бунинг учун эса соғлиғимизни мустаҳкамлаб, кўп китоблар ўқишимиз даркор. Оромгоҳда кутубхона бор. Шу ерда биз дўстларимиз билан бўш вақтда эртаклар, тарихий китоблар ўқиймиз. Бизларга шундай имкониятлар яратиб берганларга раҳмат айтиб қоламан.



Садоқат АСЛАНОВА
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Сўранг, жавоб берамиз

ТАДБИРКОРГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

Савол: Юридик шахслар кимлар ва улар қандай ташкил этилади?

Жавоб: Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилганидек, ўз мулкида, хўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

Савол: Қонунда юридик шахснинг жавобгарлиги қандай белгиланган?

Жавоб: Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкининг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассиси (иштирокчи)си ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар юридик шахснинг ночорлиги шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг гайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Муассис ёки юридик шахс мол-мулкининг мулкдори шу юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тақдирдагина мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга.

Юридик шахс учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис ёки мулкдор юридик шахснинг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) улар томонидан вужудга келтирилган ҳисобланади.

Амирхон СИДИҚОВ,
Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси

* * *

Савол: Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш қонунан қай тартибда амалга оширилади?

Шу тўғрида тушунча берсангиз...

А.Норбоев,
Бектемир тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси 183-моддасига асосан :

Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш мол-мулк жойлашган ерда ўрнатилади.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш, уларга тегишли мол-мулкни бошқаларга ўтказиш, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларга тегишли пул ва бошқа қимматли буюмларни сақлаш, мол-мулкни бошқариш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ва шартлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкини бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби Қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Суднинг шахсни «Бедарак йўқолган», деб топиш тўғрисидаги ёки уни «Вафот этган» деб эълон қилиш ҳақидаги ёхуд мерос олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганида мол-мулкни бошқариш ҳам бекор қилиниши белгиланган.

Савол: Таътил муддатининг маълум сабабларга кўра узайтирилиши ёки унинг бошқа муддатга кўчирилиши мумкинми?

Х. Абдиев,
Олмазор тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 145- моддасига асосан ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланганда, йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда, шунингдек, давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса таътилни узайтириш ёки уни бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади. Ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан, таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт эканлиги белгиланган.

Саида МАҲСУДОВА,
Лола АЗАМАТОВА,
Ҳамза тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуслари

Она табиатни асраб-авайлаш давримизнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Инсоният келажаги учун ўта муҳим ҳисобланган ушбу муаммони ҳал этишда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза этиш давлат қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари жамоалари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Анжуманлар

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

«Дренаж ва суғориш инфратузилмасини реконструкция қилиш ва ботқоқликларни тикламаш» лойиҳаси ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Оқава сувларни тозалаш иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, экологик боғлар барпо этиш йўлида кўрилаётган тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бераётир.

— Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди, — дейди қўмита мутахассиси Нўъмонжон Шокиров. Халқаро саҳроланиш ва қурғоқчиликка қарши курашга бағишлаб яқинда ўтказилган анжуманда мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумот учун шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чўлланишга қарши кураш конвенциясига қўшилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология маркази эса мазкур йўриқноманинг миллий ижрочи агентлиги ҳисобланади.

Ўтган 2010 йилда 12 минг 893 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. 266 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Йўловларнинг емирилиши даражасини камайтириш бўйича зарур тадбирлар белгиланди.

Анжуманда емирилишга учраган ерлар ва чўлланишга қарши курашиш борасидаги эришилган ютуқлар ва белгиланган вазифалар ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Ер ресурсларини бошқаришда минтақавий ҳамкорлик, сувдан фойдаланишда географик ахборот тизимларини татбиқ этиш масаласига комплекс ёндашиш зарурлиги уқтирилди.

Гўзал АҲМАДАЛИЕВА

Ахборот-коммуникация тизимлари

МИЛЛИЙ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ёш дастурчилар тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ўзининг ўзбек ва рус тилларидаги интерфайсига эга. Кутубхоналарнинг ахборотлаштириш дастурий таъминотини ишлаб чиқишда бу усул қўл келди.

Халқаро талабларга жавоб берадиган библиографик ёзувларни айирбошлашга йўналтирилган бу жараён электрон каталогларни яратиш, китоб фондининг ҳисоботини олиб боришда жуда қўл келади. Бу эса бир нечта кутубхоналарга марказлаштирилган тармоқ орқали библиографик маълумотларни ўзаро алмаштириш имконини беради.

Тармоққа уланмаган алоҳида кутубхоналарнинг талаблари жойларга ўрнатиладиган «Администратор», «Катализатор», «Китобхон», «Китоб берувчи», «Китобларни рўйхатга олувчи» автоматик иш жойлари каби дастурий таъминот бўлимлари томонидан қониқтирилади.

Ушбу миллий дастурий таъминот жараёни фойдаланувчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида ривож топмоқда. Шу тариқа ахборот-коммуникация тизими ривожланиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Кейинги пайтларда баъзи хорижий мамлакатларда ўта хавфли юқумли касалликлар бўйича эпидемик ва эпизоотик ҳолат анча мураккаблашгани кузатилмоқда. Аҳоли миграцияси, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожланган бугунги шароитда бундай касалликларнинг тарқалиш хавфи янада ошади.

ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК САҚЛАНМОҚДА

Бу юртимизда санитария-эпидемиология муҳитини барқарор сақлаш, четдан инфекция кириб келишининг олдини олиш, аҳоли ҳушёрлигини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария врачи Саидмурод САЙДАЛИЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Юртимизда аҳолини юқумли касалликлардан ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари ва самарали тизими шаклланган, – дейди С.Сайдалиев. – Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу ишлар кўламини янада кенгайтириш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Юқумли касалликларнинг мамлакатимиз ҳудудига чегара орқали кириб келишининг олдини олиш бу тизимнинг устувор вазифаларидан биридир. Айни вақтда болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш тадбирларини юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий-профилактика ишлари қамровини кенгайтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бераётир.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасида соғлиқни сақлашнинг барча бўғинлари қатори санитария-эпидемиология хизматининг ҳам моддий-техник салоҳияти юксалиб, замонавий технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Бу юртимизда санитария-эпидемиология ҳолатини барқарор сақлаш, ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасалари тиббиёт ходимларининг билимини ва ҳушёрлигини янада ошириш бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бу йўналишда ишлаб чиқилган махсус ўқув-амалиёт дастури доирасида йил бошидан буён эллик тўрт минг нафардан зиёд врач ва икки юз йигирма минг нафардан кўпроқ ўрта тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларга тайёргарликдан ўтди. Шифокорларга ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларнинг клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари, аҳоли ўртасида профилактик машғулотларни ташкил этиш услублари бўйича батафсил маълумотлар берилди, уларда зарур кўникмалар ҳосил қилинди.

Ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказлари ичимлик суви манбалари ва очиқ сув ҳавзаларидан, айниқса, трансчегаравий дарёлардан мунтазам намуналар олиб, бактериологик ва кимёвий таҳлил ўтказмоқда. Бозорларда ҳар ҳафтада бир кун санитария ва тозалик куни деб эълон қилинган. Маиший чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетиш устидан доимий назорат ўрнатилган.

Жойларда эпидемиянинг олдини олишга оид бундай тадбирларни мониторинг қилиб бориш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг вилоятлардаги бошқармалари, туман тиббиёт бирлашмалари ҳузурида кун-тун фаолият юритадиган махсус штаблар ташкил этилди. Замонавий ахборот технологиялари ва зарур жиҳозлар билан таъминланган ушбу тузилмаларга соғлиқни сақлаш соҳасининг етук мутахассислари, педиатрлар, юқумли касалликлар шифокорлари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, етакчи мутахассислар бириктирилган. Штабларда шундай станция фаолият юритмоқда.

Хавфли юқумли хасталикларнинг олдини олишда касаллик манбалари бўлган кемирувчиларга ва уларни ташувчи ҳашаротларга қарши кураш тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча тиббий-илмий марказлари томонидан бу борада самарали иш олиб борилмоқда.

Ўтган йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Фавқулодда вазиятлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари мутахассислари билан ҳамкорликда қуйидаги касаллиги хавфи бўлган ҳудудлар қайта ҳисобга олиниб, бу жойларда эпизоотик ва эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ҳудудларда доимий лаборатория мониторинги йўлга қўйилди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва хонадонларда санитария-гигиена талабларига, тозаликка тўла риоя этиш ҳар қандай юқумли касаллик кириб келиши йўлидаги мустаҳкам тўсиқдир. Бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ва унинг жойлардаги тузилмалари вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги тегишли идора, ташкилотлар билан ҳамкорликда бу борада изчил тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Ўта хавфли юқумли инфекциялар ва ёз мавсумида учрайдиган ўткир ичак касалликларини келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг олдини олиш усуллари акс эттирилган тарқатма материаллар чоп этилиб, аҳолига етказилмоқда.

Узлуксиз равишда ўтказилаётган бундай кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида юртимизда эпидемик ва эпизоотик вазият барқарор сақланмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА
ёзиб олди

Шахмат ҳангомалари

ТАНИМАСНИ... СИЙЛАЙДИ

Биринчи рус жаҳон чемпиони Александр Алёхин кафеда ҳаваскор шахматчиларнинг ўйинини кузатиб ўтирарди. Ишқибозлардан бири унга бир партия ўйнашни таклиф қилади. Чемпион рақибига тўрасини олдиндан бериб қўйиб ўйнаш шарти билан рози бўлади.

— Бу қанақаси ахир? — дейди ҳаваскор норози бўлиб, сипоҳларни тахтага тераркан. — Сиз ахир мени мутлақо билмайсиз-ку!

— Худди шунинг учун ҳам мурувват қиляпман!- дейди чемпион кулимсираб.

ХОТИРА КУЧЛИ БЎЛСА

Алёхин ноёб хотираси билан ҳам замондошларини ҳайратга солиб келган. Ўшанда, аниқроғи 1919 йили бўлажак чемпион киностудиялардан бирида ишларди. Ишхонасида ўтирганида бир эркак кириб, ўқув бўлимидан биронтасини чақириб қўйишни сўрайди.

— Мен сизни эшитаман, фуқаро Полуэктов, — дейди Алёхин.

— Биз сиз билан танишмизми? — дейди ҳалиги одам ҳайрон бўлиб.

— Бундан тўрт ой муқаддам, — дейди Алёхин кулимсираб, — сиз Феррейннинг дорихонасида врач Заседателевнинг йўлланмаси бўйича томоғи оғриётган олти ёшли қизингиз Анна учун дори буюртма бердингиз. Мен ўшанда навбатда турувдим ва сизларнинг гапингизни тасодифан эшитиб қолувдим.

Полуэктов ҳангу-манг бўлиб қолади.

— Сиз ўшанда четлари суякдан ясалган кўзойнак тақиб олгандингиз, — дея гапида давом этади Алёхин. — Ўнг чўнтагингиздан тимсоҳ терисидан қилинган ҳамёнингизни олиб, ичидан...

Алёхин шу ерга келганда гапини тугатолмай қолди. Қўрқиб кетган мижоз кўчага чопиб чиқиб кетганча қайта бу ерда қорасини кўрсатмайди.

Кулгили ҳолат! Аммо орадан бир йил ўтгач, бўлажак чемпион милициянинг бош қидирув бошқармасида ишлаб юрганида унинг хотирасидан азият чекканларнинг кўнглига кулги сиғмаган.

Бир куни Алёхин навбатчининг тутиб келтирилган, ўзини Иван Бодров деб атаётган кимса билан гаплашаётганини эшитиб қолади.

— Нима дединг из? Фамилиянгиз? — дея Алёхин суҳбатга аралашади.

— Бодров,— дейди ҳалиги киши гапини такрорлаб.— Хўш, нима демоқчисиз?

— Сиз Бодров эмас, Орловсиз, — дейди Алёхин масалага аниқлик киритиб. — Иван Тихонович эмас, Иван Тимофеевичсиз.

— Мени тузоққа илинтирмоқчи бўляпсизми? Чучварани хом санабсиз, ўртоқ бошлиқ!

— Бундан икки йил муқаддам, ҳарбий комиссариатда биринчи марта сизни кўрганимда ўзингизни Иван Тимофеевич деб таништирувдингиз, — деди Алёхин. — Кўкрагингизда ингичка оқ занжирга осилган хоч кўриниб турувди. Ундан пастроқда холингиз бор эди.

Жиноятчи худди оёғига тушов солингандек турган жойида қотиб қолди. Навбатчи унинг кўйлагидаги тугмаларни ечганида ҳамма занжирли хоч ва холни кўради. Кўп ўтмай тергов бу одамнинг ҳақиқатан ҳам қамоқдан қочган ашаддий жиноятчи Орлов эканини тасдиқлайди.

Хуллас, буюк шахматчига рўпара бўлган жиноятчининг омади чопмайди.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлаган

Х. З. Каланов номли компьютер технология касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 йил 23 июнда Мўминов Беҳзод Бахтиёрович номига берилган K N 142 8450 сонли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юнусобод тумани Халқ таълими бўлими тумандаги умумтаълим мактаблари ошхоналарида соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича 2011-2012 ўқув йили учун тендер танлови ўтказилишини маълум қилади.

Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоалари Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Холида Рауповна Алимовага турмуш ўртоғи **Пўлат Ходжиевич АЛИМОВнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БИЗ — МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИМИЗ

Мамлакатимизда истеъдодли, юксак билим ва қобилияти билан бошқаларга намуна бўлаётган ўғил-қизларнинг кундан-кунга ортиб бораётганлиги юртимиз келажагининг буюк ва пойдевори мустаҳкам бўлишидан яна бир далолатдир. Мустақилликка эришган кунимиздан буён ҳозирга қадар эришган ютуқларимиздан бирини давлатимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг жаҳон ҳамжамияти олдида фан, маданият ва санъат, спорт бўйича қўлга киритаётган марраларида яққол кўришимиз мумкин. Бугунги саҳифамизда ана шундай ютуқларга эришган, тенгдошлари орасида ўзининг билими, салоҳияти билан ажралиб турувчи мустақиллик фарзандлари билан танишасиз.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ — УЙҒУН ҲАРАКАТДИР

Суҳроб НОРБЕКОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси:



— Бизнинг олийгоҳ беш йиллик таълимга асосланган бўлиб, бу йили тўртинчи босқични тамомладим. Фахр билан айтиш керак, бизнинг Ватанимизда ёшларга бўлган эътибор алоҳида ўринда туради. Мен ҳам кўпчилик тенгдошларим қатори яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзимнинг тиришқоқлигим, устозларимнинг берган билими ва орттирган тажрибам орқали кўпгина ютуқларга эришдим. Бунинг негизида аввало, инсоннинг ички одоби ва ахлоқи юқори ўринда туриши кераклиги принципи ётади.

2010 йилги «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналида рус тилида «Всем детям — равные права и возможности» мақолам чиқди унда юртимизда ҳозирга қадар олиб борилган инсон ҳуқуқлари муҳофазаси хусусан, бола ҳуқуқларига оид қонунларнинг қанчалик мустаҳкам ва мукаммаллиги ҳақидаги алоҳида қарашларим билан ўртоқлашганман.

Инсон ҳуқуқларига бўлган эътибор юртимизда Асосий Қомусимиз бўлмиш Конституциядан бошлаб барча қонунларимизда ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизда тили, дини, миллати, ирқидан қатъи назар барча тенг ҳуқуқли ҳисобланиб, шахс эркинлиги олий қадриятга айланди.

Шуларни англаган ҳолда, «Ҳабеас корпус институти ва унинг фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни» номли мақола ёздим. Унда янги жорий этилган ушбу институтнинг моҳиятини тенгдошларимга чуқур очиб беришга интилдим.

Агар ўтмишга назар ташласак, ўсмирлик давларимданоқ тарих ва ҳуқуқ фанларига қизиқишим катта бўлган. Мактаб вақтларимдан Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган тарих фани олимпиадасининг шаҳар босқичида муваффаққиятли иккинчи ўринни эгалладим. Бу эса болаликдан орзу қилган олийгоҳга киришда ўзимга бўлган ишончни янада кучайтирди.

Ҳозирда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурида ташкил этилган «Адвокатлик маҳорат мактаби» юридик клиникаси ва «Нотиқлик санъати» тўгарагида фаолият юритиб келаётирман. Бу келажакдаги мақсадларимга эришишимда муҳим омил вазифасини ўташига ишонаман. Тариҳдан маълумки, нотиқлар ҳамиша эл ардоғида бўлишган. Бугунги кунда ҳам бу тамойил ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. 2008 ва 2009 йилларда ўтказилган «Энг яхши нотиқ» кўрик танловида устозларим ишончини оқлашга дўстларим қатори ўз ҳиссамни қўшдим деб ўйлайман. Шунингдек, Халқаро Вестминстр университетида олийгоҳлар ўртасида ўтказилган танловларда, қувноқлар ва зукколар мусобақаларида мунтазам қатнашиш менга завқ бағишлаш билан бир қаторда билимларим ошиб боришига хизмат қилишига ишончим комил.

Келажакдаги мақсадларим бисёр. Мен ўзимни келажакка катта умидлар билан боқувчи ёшлар сафига киритаман. Шу нарсага амин бўлдимки, ҳар бир Ўзбекистон фарзанди ўзининг тарихи билан танишар экан, у аждодлари кўрсатган жасоратлардан тўлқинланиб, буюк эл фарзанди эканлигига қайта-қайта иқрор бўлиб боради.

Биз буюк тарихга, яъни мустаҳкам пойдеворга эгамиз, ҳар бир қадамимиз мақсадли, келажагимиз эса ёрқиндир.

2011 йил мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Университетда эришган ютуқларимдан ташқари, энг қувонарлиси, хорижда август ойида Литва давлатида бепул таҳсил олиш учун «Литва давлати маданияти ва тили» соҳасида грант ютиб олдим. Ушбу ўқиш давомида керакли билимларни орттириб, келажакда олдимга қўйган мақсадларга интилиб, давлатимиз байроғини баланд кўтариб, дунё ҳамжамиятида ўрнак бўла оладиган Ўзбекистон ёшлари қаторидан жой эгаллаш ниятидаман. Зеро, Ўзбекистондай буюк алломалар юртига муносиб бўлиш биз келажак эгаларининг олий бурчимиздир.

Машойиҳлар тилида мухтасар айтганда, куч — бирликда. Шундай экан, агар биз ёш авлод вакиллари шуни янада чуқурроқ англаб, бир бош-у, бир тан бўлиб ҳаракат қилар эканмиз, ўшанда эришган ютуқларимиз янада ортади.



МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Муштарий САЛОМОВА, Тошкент Давлат юридик институти талабаси:

— Аввало мустақиллик тенгдоши эканлигимдан фахрланаман. Сабаби, Мустақиллик асрлар давомида орзиқиб кутилган имкониятларни юзага келтирган бўлса, Юртбошимиз ташаббуси билан мен ва тенгдошларим ана шу қулайликларга икки ҳисса кўпроқ эга бўлдик.

Аъло даражадаги шаҳодатнома билан Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейга имтиёзли қабул қилиндим.

Ҳеч қайси бир миллат, ҳеч қайси бир давлат раҳбари йўққи, Юртбошимиз каби ёшларга бўлган эътиборни сиёсат даражасига кўтариб, бор имконият йўлларини очиб бериб, ёшларга юксак ишонч билдирган. Биз келажак эгалари буни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

«Камолот»ЁИҲга аъзо бўлишим, менга мақсадларимга эришишда катта таянч вазифасини ўтади. «LG Grant», «Fond Forum», «Камолот»нинг қўллаб тадбирларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдаман.

Бугунги кунда рус, инглиз, турк тилларида бемалол сўзлаша оламан.

Дарҳақиқат, бугунги ёшларимиз учун кўплаб қулайликлар яратиб берилган. Мен ҳам билимга чанқоқ, илм чашмаларидан баҳраманд бўлишни истаган қизлар қаторидаман. Республикамиз матбуотида кўплаб мақолаларим чоп этиб келинмоқда. Халқаро ҳуқуқий конференцияларда иштирок этиб, юртимиз шарафини янада оширишга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.



Туркияда бўлиб ўтган адвокатларнинг йиллик халқаро конференциясида 90 та давлат вакиллари қаторида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Буни эришаётган ютуқларимнинг дебочаси деб биламан. Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» дея таъкидлаб айтган гапларининг мазмун-моҳиятида қанчалар чуқур маъно ётганини англаб етмоқдаман.


Мен, ҳаракат қилган инсонларга мана шундай юксак имкониятлар эшигини очган, меҳмондўст юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Айни пайтда Ватанимиз ёшларининг ҳар бир йўналишда ўз истеъдодларини янада кўпроқ намоён этишларини истаб қоламан.

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА

Фаррух ШАРИПОВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси:

— Бўш вақтларимда спортнинг сув спорти ва самбо турлари билан шуғулланаман. Шунингдек, ўтган йили март ойида институт миқёсида ўтказилган мини футбол бўйича «Декан кубоги»да фахрли 3-ўрин совриндори бўлганман.

«Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси илмий тўгарагининг фаол аъзоси сифатида институт ва Республика миқёсида ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқдаман. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган анжуманлар тўпламларида, журналлар ва газеталарда 20 га яқин илмий мақолалар билан қатнашиб, келажакдаги мақсадларимга босқичма-босқич эришиб келаётирман.



2009 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказилиши муносабати билан оммавий ахборот воситаларида ҳамда аҳоли ўртасида Конституция ва сайлов қонунчилигини кенг тарғиб қилишдаги фаол иштироким учун институт томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирландим.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги «Ҳуқуқий тарғибот» гуруҳининг энг ёш аъзоси ҳисобланаман. Ушбу гуруҳ билан биргаликда республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистонда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Шунингдек, жорий йили Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган «Ҳуқуқ билимдонлари-2011» кўрик танловини ташкил қилишдаги фидойилиги учун» номинациясида Адлия вазирлигининг дипломи билан тақдирландим.

2011 йил Ўзбекистон Республикаси ёшларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, йигит-қизларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстиришда қўшган ҳиссам ҳам беэътибор қолмади. Сирдарё вилояти ҳокимининг ташаккурномаси билдирилди.


2010 йил «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ўтказилган «Талаба-ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ўз фикрларини эркин айта олишларини мунозара-дебат йўли билан шакллантириш»га қаратилган ўқув курсида фаол иштироким учун сертификатга сазовор бўлдим.

Шунингдек, 2008 – 2009 йиллар давомида Тошкент шаҳрида жойлашган мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ҳамда маҳаллаларда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширганлигим боис бир неча бор факультет декани томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирландим.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқдаман. Бугунга қадар бир нечта мақолалар муаллифиман. Келажакдаги мақсадларим, Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ тизимини мукаммаллаштиришда ўз ҳиссамни қўшиш ва тенгдошларим қатори ягона куч бўлиб, юрт равнақи, эл шарафини ҳимоя қилишдан иборат.

МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

Зиёдулла ЯРАШЕВ, Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси:



– Ёшлигимдан хориж ўқув юртларида таҳсил олишни орзу қилардим. Мустақиллик менга бу имкониятни берди. Бугунги кунда кўплаб тенгдошларим ҳавас қиладиган Тошкентдаги Турин политехника университетида грант асосида таҳсил олиб келмоқдаман.

Бу ерда бизга хориждан келган мутахассислар дарс берадилар. Ўзимизни тўлақонли чет эл университетида таҳсил олаётгандек ҳис этишимизга сабаб, дарслар фақат инглиз тилида олиб борилади. Ўқув йили ҳам ноодатий — сентябрь ойининг сўнгги кунларидан бошланади.

Мустақиллигимиз шарофати билан ўқув даргоҳимизда жаҳон стандартлари талаблари даражасига жавоб бера оладиган замонавий электрон кутубхоналар, спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, улардан бўш вақтимизнинг исталган вақтларида фойдаланишимиз мумкин. Мен билим олаётган «Машинасозлик» факультетида соҳамизга оид йўналишнинг барча сир-асрорларини мукаммал ўрганиб борамиз. Амалиётларимизни эса, машина ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўтаётганлигимиз соҳамизни янада мукаммал ўзлаштиришимиз учун замин яратади.

Университетимизнинг юртимиз олийгоҳлари билан муштарак жиҳатлари шундаки, унда мунтазам спорт мусобақалари ўтказиб келинади. 2 йил давомида шахмат турнирида дўстларим ва хорижлик тенгдошларим орасида биринчи ўринни эгаллаб келаётганлигимдан хурсандман.

Президентимизнинг биз ёшларга билдирган ишончи доимо масъулиятли бўлишга ҳамда илғор талабалар сафида туришга ундайди.

Келажакдаги мақсадим — ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиб етишиш баробарида спортнинг шахмат тури билан шуғулланиб бориш ва турнирларда иштирок этишдан иборатдир. Қолаверса, автомобиль ишлаб чиқарувчи илғор давлатлар сирасига кирган юртимиз номини янада улуғлаш ҳамда бутун дунё ҳавас қилиб, андоза оладиган автоуловлар тайёрлаш. Бунинг учун тенгдошим бўлган жонажон юртимда биз каби келажак эгаларига барча имкониятлар яратиб берилган.

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ИШОНЧ ҲАҚИДА

Келажакда буюк ишлар қила олишингизга бутун қалбингиз билан ишонинг.

Барча зафарлар ҳаракатни бошлашга жасорат қилиш билан келади.

Муваффақият ҳаракатга боғлиқ. Омадли инсонлар доим ҳаракатда бўладилар. Хато қиладилар, аммо кечмайдилар.

Ишонувчилар учун ҳеч қандай исбот шарт эмас. Ишонмайдиганлар учун эса ҳеч қайси далил шарт эмас.

Ишонишни истамаганни ҳатто мантиқ ҳам ишонтира олмайди.

Ўзингизга ишонинг. Иқтидорингизга суянинг. Имкониятларга етарлича ишонмасангиз, омадли ва бахтли бўла олмайсиз.

Кўрганларингизнинг ярмига ишонинг, эшитганларингизнинг ҳеч бирига ишонманг.

Ишонч фақат ақлда мавжуд бўлган фикр эмас, балки фикрнинг ақлга эгалик қилишидир.

Муҳими бошингизга қандай иш тушганида эмас, бу ишни қандай ҳал қилганингизда.

Чорасиз эканимизни ўйламасак, кўпроқ муваффақиятга эришган бўлар эдик.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Минглаб километрлик йўлни барча илк одимни ташлаш билан бошлайди.

Омаднинг сири игна билан қазишни бошлаб, уни давом эттира олишдир.

Яхшилик қилиш учун ғайриоддий ҳодисалар бўлишини кутманг; оддий воқеалардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Фақат орзу қилиш етарли эмас. Орзулар ушалиши учун ўзингиздан нималар қилиш лозимлигини сўранг.

Мақсад сари интилиш доим ҳам бахт келтирмаслиги мумкин. Лекин интилиш бўлмаса, бахт ҳам бўлмайди.

Билиш етарли эмас. Билимларни амалда қўллаш лозим. Хоҳиш етарли эмас бажариш лозим.

Бажарилган ишлар кимлигингни кўрсатади.

Етарли билимга эгасиз, ягона қиладиган ишингиз буларни амалда татбиқ этишдир.

Мақсадлар сари етакловчи қадамни ҳозирдан ташланг. Ўзингизда ҳаракат қилиш туйғусини шакллантиринг.

(Давоми бор)

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***19 июль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

Республика ҳудуди бўйича бироз ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***19 июлда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тағмиқдори паст бўлади.*

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2981 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 741

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 13.28 17 15